

Аёллар учун “ТечВомен” лойиҳаси

Аёлларнинг илмий-техника соҳасидаги салоҳиятини ошириш ҳамда уни қўллаб қувватлаш мақсадида Америка Қўшма Штатлари (АҚШ)нинг миллий департаменти томонидан 5 ҳафталик “ТечВомен” лойиҳаси эълон қилинди. Ушбу дастур илмий соҳада фаолият кўрсатаётган ўқитувчи, олима ҳамда раҳбар аёллар учун мўлжалланган.

Лойиҳанинг мақсади – соҳа доирасидаги ҳамкасабалар билан малака алмашинуви бўлиб, унда қатнашувчилар АҚШда бўлиб ўтадиган тури тадбирлар (конференция, семинар, тренинглар)да қатнашиши ҳамда АҚШнинг турли ташкилот ва муассасаларида малака ошириш имкониятига эга бўладилар.

“ТечВомен” лойиҳасида иштирок этишни хоҳловчилар ҳужжатларини онлайн тарзида **2018 йилнинг 17-январига** қадар қуйидаги веб саҳифа орқали топширишлари мумкин:

www.techwomen.org/participant/eligibility-and-application

Барча ҳаражатлар АҚШ томонидан қопланади.

ТИҚХММИ Халқаро алоқалар бўлими